



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

2024 йил 25 июнь, № 125 (8748)


Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — МЎЎУЛИСТОН: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРГАН ИЛК ТАРИХИЙ ТАШРИФ

Кўксарой қароргоҳида 24 июнь куни мамлакатимизга давлат ташрифини амалга ошираётган Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухни расмий кутиб олиш маросими бўлди.



Юртимизда кўплаб халқаро мусиқий танловлар ўтказилади. Бундай тадбирларда Мўғулистон бадийи жамоалари фаол иштирок этувчилар сирасига киради. Уларнинг оҳанглари кулоққа бегона туюлмайдиган, сўзларини тушунмасакда, юракка яқин оламиз.

Сиёсий, савдо-иқтисодий алоқаларнинг мустақамлиги, аввало, мана шундай маданий яқинликдан бошланади. Икки мамлакатдаги дўстлик жамиятларининг фаол ҳамкорлиги, ишбилармонлик ва халқаро алоқаларни мустақамлашга қаратилган лойиҳалар изчил ривожланаётгани қувонарли.

Мазкур давлат ташрифи икки томонлама алоқаларимиз ривожига ўзига хос суръат бағишлаши шубҳасиз.

Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий кутиб олди ва шоҳсулага тақдир қилди. Ҳарбий оркестр икки мамлакат давлат мадҳияларини ижро этди.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказдилар.

Сўхбат аввалида Мўғулистон Президенти давлатимиз раҳбарига Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келиш таклифи ва кўрсатилаётган самимий қабул учун чин дилдан миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари олий мартабали меҳмон ва расмий делегациянинг барча аъзоларини дилдан қутлаб, Мўғулистон Президентининг илк давлат ташрифи Ўзбекистон — Мўғулистон кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришда янги саҳифа очишни алоҳида таъкидлади.

Музокаралар давомида мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар даражасидаги алоқалар ва алмаши-

нувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ортиб бормоқда. Бугунги саммитга тайёргарлик доирасида ўтказилган сиёсий маслаҳатлашувлар самарали бўлди.

Сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқаларни мустақамлаш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш, хавфсизлик соҳасида алоқаларни фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Мўғулистон Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини тўлиқ қўллаб-қувватлаган биринчи давлатлардан бўлгани ва тегишли баённомани имзолагани қайд этилди.

Музокаралар давомида савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини, энг аввало, талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажмини кенгайтириш ҳисобига 5 — 10 баробарга ошириш учун салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Шу мақсадда ҳукуматларга товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ма-

салалари бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузиш, Улан-Батор ва Тошкентда расмий савдо уйлари очиш, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимни имзолашга тайёрлаш ҳамда бозорларга кириш шароитларини ўзаро енгиллаштириш бўйича таклифлар киритиш топширилди.

Бундан ташқари, икки давлат пойтахтларида ўзаро саноат кўргазмалари ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

Давлатимиз раҳбари ўрта муддатли Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Ҳамкорликнинг бир қатор йўналишлари аниқлаб олинди.

Бу, аввало, геологик қидирув, хомашё ресурсларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, бу соҳада кадрлар тайёрлашни ташкил этиш.

Мўғулистондан гўшт ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни импорт қилиш, шунингдек, Ўзбекистондан товуқ гўшти, мева-сабзавот ва бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича таклифлар тайёрланди.

“Халол” стандартларига мувофиқ гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича кластер ташкил этиш ва минтақадаги мамлакатларга экспорт қилиш режалари қўллаб-қувватланди.

Бу йўналишларда, шу жумладан, чорвачилик соҳасида илмий-тадқиқот институтлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш лозимлиги таъкидланди.

Томонлар хусусий сектор лойиҳаларини амалга оширишга ва бизнес ташаббусларини илгари суришга қўмаклашишга келишиб олдилар.

Шунингдек, энг самарали ва қисқа, шу жумладан, Қирғизистон ва Хитой орқали ўтайдиган транспорт йўлақларини биргаликда таҳлил қилиш таклиф қилинди.

Иқтисодий кун тартибидидаги барча масалаларни самарали илгари суриш учун Бош вазир ўринбосарлари даражасидаги Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилишини ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

Маданий-гуманитар алоқалар ва алмашинувларни мустақамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Турли йилларда Ўзбекистон олий ўқув юртрларида таҳсил олган мўғулистонликлар дўстлик ва ҳамкорликнинг ҳақиқий кўприги бўлаётгани таъкидланди.

Энг нуфузли университетлар ўртасида академик алмашинувларни йўлга қўйиш, шунингдек, грантлар асосида иқтидорли мўғулистонлик талабаларни Ўзбекистонда ўқитишни қайта тиклаш бўйича келишувга эришилди.

Бугун Тошкентда машҳур “Морин Хуур” мўғул оркестри иштирокида санъат усталарининг қўшма концерти бўлиб ўтади.

Икки мамлакат ўртасида мавжуд визасиз тартибни инобатга олган ҳолда, қўшма дастурлар ва маҳсулотлар асосида туризм алмашинувларини ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, спорт ва ёшлар соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Музокаралар якунида эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тайёрлаш топширилди.

Давлатимиз раҳбари Президент Ухнаагийн Хурэлсухнинг самарали мулоқотни давом эттириш учун Мўғулистонга жавоб ташрифи билан келиш таклифини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг самарали музокаралари якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Етакчилар Давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотни имзоладилар.

Давлат ташрифи давомида жами 14 та ҳужжат имзоланди, жумладан:

— Савдо, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик тўғрисидаги 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган ҳукуматлараро дастур;

— Туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим;

— Ҳаво алоқаси тўғрисидаги ҳукуматлараро битим;

— Халқаро автомобиль алоқаси тўғрисидаги ҳукуматлараро битим;

— Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2024-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Хавфсизлик кенгашлари котибиятлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Кишлоқ хўжалиги вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ветеринария ва чорвачилик со-

ҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Фанлар академиялари ўртасидаги илмий ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Миллий ахборот агентликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Савдо-саноат палаталари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Қўшма Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш тўғрисида баённома;

— Тошкент ва Улан-Батор шаҳарлари маъмуриятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух олий даражадаги музокаралар якунида бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Етакчилар очик ва ишчан муҳитда бўлиб ўтган мулоқотнинг самарали натижаларидан мамнун эканликларини, амалий ҳамкорликнинг барча асосий йўналишлари атрофича кўриб чиқилганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари Мўғулистон Президентининг икки томонлама муносабатлар тарихидаги биринчи ташрифи Ўзбекистон — Мўғулистон дўстлигини мустақамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган ўзаро интилишнинг тасдиғи бўлганини қайд этди.

— Мўғулистон биз учун Осиё минтақасидаги аънанавий ва ишончли ҳамкордир. Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатлари дўстлик, ўзаро хурмат ва қўллаб-қувватлаш таъминловига асосланган бўлиб, конъюнктурага боғлиқ эмас, — деди Ўзбекистон Президенти.

Давлат раҳбарларининг Самарқанд ва Дубайда бўлиб ўтган учрашувларидан сўнг барча даражалардаги алоқалар фаоллашди. Тизимли сиёсий мулоқот ўрнатилди.

Бундан ташқари, товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда ҳамда етакчи компания ва корхоналар ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Бугунги музокаралар чоғида ишлар ҳолати атрофича таҳлил қилинди, устувор йўналишлар белгиланди ва кенг қўламли ҳамкорликнинг янги кун тартиби келишиб олинди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Доғистонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари туфайли ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига таъзия ва чуқур ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти бу гаيريинсоний зўравонликни қатъий қоралади ҳамда хавфсизлик соҳасидаги умумий таҳдидларга қарши курашда тегишли тузилмалар ўртасидаги фаол ҳамкорликни

давом эттиришга тайёрглигини билдирди. Шунингдек, 26 — 28 май кунлари Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистонга тарихий ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Шу жумладан, кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ў.а.

Учрашув

Парламентлараро алоқалар истиқболлари кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турган Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух билан учрашув бўлиб ўтди.

Ташриф доирасида икки мамлакат етакчиларининг олий даражадаги музокаралари очик ва ишчан муҳитда бўлиб ўтгани, мулоқотнинг самарали натижалари ҳақида сўз борди. Бу та-

рихий ташриф икки мамлакат ўртасида дўстликни мустақамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

22 июнь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенати мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенаторлар ўз ишини “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартаришлар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг муҳокамасидан бошлади.

Бугунги ислохотлар жараёнида ҳамда давлат ва жамиятни ҳар томонлама ри-

вожлантиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг роли алоҳида аҳамият касб этди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам парламент ҳамда сиёсий партияларнинг муҳим вазифалари ва масъулияти белгиланган.

Бу жараёнлар сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш, депутатлар ва сенаторларнинг Конституциядаги ваколатларини тўлақонли амалга ошириш бўйича қўшимча қафолатлар берилиши ҳамда сайловчиларнинг партия билан ўзвий алоқаларни мустақамлашни тақозо этмоқда.

Муҳокама қилинган қонун билан сиёсий партияларни молиялаштириш, давлат маблағларининг сиёсий партиялар ўртасида тақсимланиши тартибини, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ва маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш асосларини белгилашни, шунингдек, ўз вазифалари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун уларга нисбатан тартибга солиш чораларини аниқлаштиришни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартаришлар киритилмоқда.



Қонунчилик палатасидаги фракцияларда

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНING ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Муҳокамадаги ҳар бир масала аҳоли манфаатларини кафолатлаш нуктаи назаридан муфассал кўриб чиқилди. Депутатлар томонидан қонун лойиҳаларининг заруратига эътибор қаратилиб, уларни такомиллаштиришга оид муҳим таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Ер билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик муқаррар

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан самарали фойдаланиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Ушбу қонун лойиҳаси билан ердан фойдаланишга оид қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик чораларини қучайтириш мақсадида Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли ўзгартариш ва қўшимчалар киритилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН – МЎҒУЛИСТОН: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРГАН ИЛК ТАРИХИЙ ТАШРИФ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Томонлар минтақавий ва халқаро тузилмалар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқалар доирасида яқин мулоқотларни ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга келишиб олдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Яқин йилларда, биринчи навбатда, талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажмини кенгайтириш орқали товар айирбошлаш ҳажмини ошириш вазифаси қўйилди. Икки мамлакат пойтахтларида савдо уйлари очиш ва жорий йилда саноат кўргазмаларини ўтказиш режалаштирилган.

Мамлакатларимиз бир-бирини самарали тўлдирishi мумкин бўлган тармоқларда саноат кооперациясининг аниқ йўналишлари ҳам белгиланди.

Минерал ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, Қорақалпоғистон, Наманган вилояти ва бошқа ҳудудларда чорвачилик мажмуаларини, гўштни қайта ишлаш кластерини ташкил қилиш, энгил саноатда жун ва терини чуқур қайта ишлаш, шунингдек, фармацевтика, соғлиқни сақлаш ва бошқа қўллаб-қувватлашга қўша лойиҳаларни амалга ошириш шулар жумласидан.

Саноат кооперациясини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзаро инвестицияларни ҳимоя қилиш ва солиққа тортиш принциплари бўйича асосий келишувлар тайёрланади ва қабул қилинади.

Барча иқтисодий масалаларни самарали ҳал қилиш ва лойиҳаларни тезлаштириш учун яқин фурсатда Тошкентда Бош вазирлар ўринбосарлари раислигидаги Хукуматлараро

комиссия йиғилиши ва Ишбилармонлар кенгашининг таъсис сессияси бўлиб ўтади.

Маданият, санъат, таълим, туризм, ёшлар ва спорт соҳаларида фаол алоқаларни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Бу борада алоҳида ҳамкорлик дастури тайёрланиб, келгуси йилда Тошкент ва Улан-Баторда ўзаро маданият кунлари ўтказилади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг етакчи олий таълим муассасаларида мўғулистонлик талабаларни ўқитишни қайта йўлга қўйишни таклиф қилганини маълум қилди.

Шунингдек, мамлакатлар яккакураш спортининг аънавий турларини оммалаштириш, амалдаги визасиз тартиб шароитида сайёҳлар оқимини ошириш ҳамда иқлим ўзгаришига қарши курашиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилдилар.

Келишувларни амалга ошириш мақсадида икки давлат ҳукуматларига комплекс "Йўл харитаси"ни тайёрлаш ва унинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш топширилди.

— Мўғулистон Президентининг Ўзбекистонга биринчи давлат ташрифи ҳақи равишда тарихий бўлди ва кўп қиррали ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди. Биргаликда катта ишларимизнинг биринчи амалий натижаларини тез фурсатда кўрамай, деб ишонаман, — деди Ўзбекистон Президентини сўзининг якунида.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув ўтказдилар.

Тадбирда Мўғулистоннинг "MCS Investment", "Mongol Basalt", "Tavan Bogd Group", "Asia Pharma", "Khanbogd Cashmere", "Erdenezoо Trans", "ICT

Group", "ORDGEO", "LBH Technology", "NCD Group", "Mega Wood", "Modern Nomads" каби етакчи компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон томонидан "Basalt Uzbekistan", "BMB Holding", "New Way Industries", "Panaev Farms", "Ezel Central Asia", "Azia Metall Prof", "Жиззах Жун", "Procab" ва бошқа хусусий компаниялар қатнашди.

Таъкидлаш лозимки, ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган бундай форматдаги учрашув Мўғулистон билан илк бор ўтказилди.

Ўзбекистон Президенти мўғулистонлик етакчи ишбилармонларни ва уларнинг Ўзбекистонлик шерикларини самимий қутлар экан, Мўғулистон Президентининг Ўзбекистонга илк давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорлик тарихида муҳим аҳамият касб эттишини яна бир бор алоҳида таъкидлади.

— Бу сизнинг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашга қаратилган қатъий интилишингизни ва алоҳида эътиборингизни яна бир бор тасдиқлайди, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Бўлиб ўтган мазмунли ва конструктив музокаралар давомида икки томонлама ҳамкорликнинг барча жиҳати атрофлича кўриб чиқилгани, мавжуд захиралар таҳлил қилингани ва янги "ўсиш нуқталари" аниқлангани қайд этилди.

— Биз мавжуд салоҳият ва имкониятлардан деярли фойдаланмаётганимизни таъкидладик. Шу муносабат билан яқин йилларда ўзаро савдонинг, энг аввало, харидорнинг маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажмини кенгайтириш орқали каррасига ошириш вазифасини қўйдик, — деди Ўзбекистон Президенти.

Булар — Мўғулистонга озиқ-овқат, ўғитлар, дори-дармонлар, маиший техника, пластмасса ва резина, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик ва пойабзал маҳсулотларини экспорт қилиш, шунингдек, юртимизга гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тери, жун ва бошқа тайёр маҳсулотларни импорт қилиш.

Мамлакатимиз раҳбари мўғул компаниялари билан саноат кооперациясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Икки давлат иқтисодиётининг бир-бирини самарали тўлдирishiга қодир соҳаларида ўрта мuddатли кооперация дастурини қабул қилиш бўйича келишувга эришилгани қайд этилди.

Бу, биринчи навбатда, геологик кидирув, бой хомашё ресурсларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳаларида ҳамкорлик ўрнатилиши ўз ичига олади.

Мазкур стратегик соҳада биринчи йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ таклифлар тайёрланади.

Томонлар хусусий бизнес ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

Етакчилар қўша Ишбилармонлар кенгашининг ташкил этилишини олқишладилар. Янги ташаббусларни ишлаб чиқиш учун яқинда унинг биринчи йиғилишини ўтказиш режалаштирилган.

Ташриф давомида ҳаво ва халқаро автомобиль алоқаси бўйича битимлар имзоланди, бу икки давлат ўртасида тўғридан-тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш ва ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш учун мустаҳкам асос яратди.

Транспорт вазирларига юк ташиш харажатларини камайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда иқтисодиётни инновацион ривож-

лантириш, қонун устуворлиги ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ЖСТга кўшилиш жараёнини фаоллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев мўғулистонлик ишбилармонларга юртимизда улар учун қулай шарт-шароитлар яратишга тайёр эканини айтди.

Ўз навбатида, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух эришилган келишувлар ҳамда Ўзбекистонда инвесторлар ва тадбиркорлар учун яратилган шароитларни юқори баҳолаб, бизнес вакиллари фаол ҳамкорликка ва янги лойиҳалар бўйича аниқ келишувларга эришишга чақирди.

Фирк алмашиш чоғида Мўғулистон тадбиркорлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий аҳамиятини ва мамлакатда яратилаётган қулай инвестициявий ва бизнес муҳитини юқори баҳоладилар.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида қўша лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ таклифлар берилди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Мўғулистон музокаралари якунлангач Кўксарой қоргоғида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Ухнаагийн Хурэлсух халқаролик ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик, икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очишга бўлган ўзаро интилиш рамзи сифатида Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экидилар.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух биргаликда Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф буюрдилар.

Ушбу замонавий инновацион мажмуа давлатимиз раҳбари ташаббуси билан саноат кооперациясини ривожлантириш ва юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида барпо этилган.

Бугунги кунда бу ерда 365 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри инвестициялар эвазига 16 та ишлаб чиқариш майдони жойлашган.

Мўғулистон Президентига Технопарк корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги юқори технологик маҳсулотлар, шу жумладан, маиший техника, электрон ҳисоблағичлар, лифтлар, сув насослари, саноат кондиционерлари, совитиш ускуналари ва бошқалар намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, етакчи хорижий брендлар остида ва улар назоратида ишлаб чиқарилаётган бу товарлар ички ва ташқи бозорларда катта талабга эга.

Президентлар икки мамлакат етакчи корхоналари ўртасида кооперацияни кенгайтириш ва илгор технологияларни жорий этиш бўйича ўзаро тажриба алмашиш муҳимлигини таъкидладилар.

Шу кун Икки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турган Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух билан учрашув бўлиб ўтди.

Президент Ухнаагийн Хурэлсух Мўғулистоннинг Тошкент шаҳридаги илк элчихонасининг расмий очилиш маросимида ҳам иштирок этди.

Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АБВАЛБЕКОВ, ЎЗА мухбирлари.

Парламентлараро алоқалар истиқболлари кўриб чиқилди

1

Давлат ташрифи давомида имзоланган 14 та ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, Ўзбекистон ва Мўғулистон муносабатлари тарихида янги саҳифа очишга туртки бўлиши айтиб ўтилди.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Етакчи компания ва корхоналар ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилаётгани таъкидланди. Учрашувда маданият, таълим, туризм соҳаларида фаол алоқаларнинг йўлга қўйилиши халқларимизни янада бирлаштиришга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон — Мўғулистон парламентлари дўстлик гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни фаоллаштириш ва парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Мўғулистон Буюк Давлат Хурати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни ишлаб чиқиш ва имзолаш масаласи қўллаб-қувватланди.

Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух Олий Мажлис Сенатининг Фахрий меҳмонлар китобида дастхат ёзиб қолдирди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН — МЎҒУЛИСТОН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ САММИТИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАДИ

Хорижий экспертлар Ўзбекистон ва Мўғулистон Президентларининг Тошкентда бўлиб ўтган музокаралари ҳақида

24 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг икки томонлама самарали музокаралари бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кўп қиррали ҳамкорликнинг янги дастурини тайёрлашга келишиб, муҳим ҳужжатлар тўпламини имзоладилар.

Етакчилар, шунингдек, икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув ўтказдилар ва ишбилармон доира вакиллари фаол ҳамкорликка чақирдилар.

Бундан ташқари, ташриф доирасида Мўғулистоннинг Тошкентдаги элчихонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Хорижий экспертлар Ўзбекистон — Мўғулистон олий даражадаги музокаралари натижаларини узоқ мuddатли истиқболда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган ҳамкорликнинг аниқ мақсадларини тарихий, дея баҳоламоқда.

Акс садо

Сидхарт САКСЕНА, Кембриж университетининг Марказий Осиё форуми директори (Буюк Британия):

— Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг Ўзбекистонга ташрифи мен каби Буюк Британиядаги бошқа экспертларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Дипломатик муносабатларни мустаҳкамлаш, турли соҳалардаги ҳамкорликнинг янги йўллари ўрганиш контекстида ушбу ташриф алоҳида эътиборга лойиқ, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши, назаримда, уларнинг ташқи сиёсатга ёндашувлари ўхшашлиги ва манфаатлар муштараклиги туфайли улкан салоҳиятга эга. Ҳар икки давлат Европа ва Осиё билан мувозанатли муносабатларга интилиб, миллий манфаатларга йўналтирилган прагматик сиёсат олиб бормоқда.

Бу ҳолат Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун Мўғулистон раҳбарининг Самарқандга ташрифи чоғида мустаҳкамланган яқин дўстлик ришталари икки мамлакат ўртасидаги келажақдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Ўйлайманки, келажақда савдо-иқтисодий алоқалар Тошкент ва Улан-Батор ўртасидаги ҳамкорликда муҳим ўрин тутди. Шу муносабат билан ҳар икки томон учун ҳам стратегик

аҳамиятга эга бўлган мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилувчи янги транспорт-логистика имкониятларини яратиш ўта долзарбдир.

Же Сунг ХУН, Жанубий Кореянинг Ханкук хорижий тиллар университети профессори:

— Тўлиқ ишонч билан айтишим мумкинки, Мўғулистон Президентининг Ўзбекистонга илк давлат ташрифи икки томоннинг умид ва ишончларини оқлади.

Бу икки томонлама муносабатларда сезиларли аҳамиятга эга бўлиб, икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганидан далолат беради.

Сиёсий нуқтаи назардан, шубҳасиз, саммитнинг ўзи ва Тошкентда Мўғулистон элчихонасининг расмий очилиши асосий натижа бўлди.

Иқтисодий нуқтаи назардан, товар айирбошлаш ҳажми ва номенклатурасини изчил ошириш бўйича қатъий келишувлар билан бир қаторда савдо уйлари ўзаро очиш, Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Имтиёзли савдо шартномасини тузиш тўғрисидаги келишувни, шунингдек, бозорларга ўзаро киришни соддалаштиришни мутлақ ютуқ деб ҳисоблаш мумкин. Бу Ўзбекистоннинг яна бир бор Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун таланган йўлдан орта қайтмаслиги ва муқобили йўқлигини кўрсатади.

Ўзбекистон билан Мўғулистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги йўналишларда ривожлантириш, кун тартибиди янада бойитиш бўйи-

ча эришилган келишувларни қайд этмаслик мумкин эмас. Ишончим комилки, бундан нафақат икки давлат, балки бутун минтақа манфаат кўради.

Сўнгги йилларда Жанубий Кореянинг Мўғулистон билан алоқалари ҳам сезиларли ўсишга эришди. Расмий Тошкент Улан-Батор тизимида янги ишончли ҳамкор топишини чин дилдан тилайман.

Гульнора САЛИМОВА, Ўзбекистон — Швейцария Савдо-саноат палатаси бошқаруви раиси:

— Ўзбек — мўғул муносабатлари кўп асрларга бориб тақалади ва бугунги кунга қадар бу икки давлат халқларининг қадимги цивилизациясига хос бўлган этнолингвистик хусусиятлари, маданий қадриятлари, аънава ва урф-одатлари жуда ўхшаш.

Минг йиллар давомида туркий ва мўғул қабилалари ёнма-ён яшаб, ягона этник-маданий муҳит яратиб, бир-бирини бойитиб, мустаҳкамлаб келган.

Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги дипломатик муносабатларни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш икки давлат ташқи сиёсатининг муҳим босқичидир.

Қайд этиш керакки, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух Ўзбекистонга давлат ташрифи икки давлат ўртасида 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён 32 йил ичида илк бор амалга оширилмоқда. Бу, шубҳасиз, Мўғулистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга муҳим туртки беради, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни янги иқтисодий ва маданий мазмун билан бойитди.

Ўзбекистон ва Мўғулистон савдо-иқтисодий, геология, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, саноат ва транспорт-логистика соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эга.

Маълум бўлишича, ташриф чоғида томонлар икки мамлакат ҳукуматлари ва идоралари ўртасида мазкур тармоқларни ривожлантириш ва жорий лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган 10 дан ортиқ ҳужжатлар имзолади. Шунингдек, ташриф доирасида Мўғулистоннинг Тошкентдаги элчихонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатларда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, халқаро бозорларга интеграциялашувнинг рақобатбардош механизмларини ишга тушириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Бунга ташриф давомида имзоланган Савдо, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик тўғрисидаги 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган ҳукуматлараро дастур ҳамда Тошкент ва Улан-Батор шаҳарлари савдо уйлариининг очилиши ёрдам беради.

Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги ҳамкорликнинг сўнгги 30 йилида эришилган ютуқларни таҳлил қилиб, келгуси йиллардаги шериклик истиқболлари ва йўналишларини баҳолаган ҳолда давлат раҳбарларининг дўстона руҳда ўтган учрашувлари, ҳақиқатан ҳам, тарихий аҳамиятга эга ва Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатлари тараққиётида янги саҳифа очди.

Станислав ПРИТЧИН, Россия Фанлар академияси Е. М. Примаков номидagi Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти катта илмий ходими:

— Мўғулистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама муносабатларнинг ҳар жиҳатдан қайта бошланишидир. Чунки ушбу ташрифнинг асосий қарорлари ва натижаларидан бири Тошкентда Мўғулистон элчихонасининг очилиши бўлди, десак янглишмаймиз. Демак, икки давлат ўртасидаги муносабатлар тизими ривожланиш босқичига ўтиши мумкин.

Бундан ташқари, ташриф давомида ўзаро ҳамкорликнинг турли жиҳатларига оид яна 14 та ҳужжат имзоланди. Холисона айтадиган бўлсак, Марказий Осиё давлатлари ва Ўзбекистон, умуман, Мўғулистон билан ўхшаш геосиёсий жиҳатлар ва халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш учун зарур шарт-шароитларга эга. Бундай шароитда давлатлар ўзаро муносабатларнинг тараққиёти босқичига ўтиши, жадал сиёсий мулоқотни қайта бошлаш, албатта, манتيқий ва табиийдир.

Шу боис биз келажақда Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар иқтисодиётдан тортиб экология, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда тараққиёт этишини кутишимиз мумкин.

«Дунё» АА.

Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик дастури тайёрланиб, келгуси йилда Тошкент ва Улан-Баторда маданият кунлари ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу қонун билан жамият учун муҳим бўлган ва тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар қабул қилинишида ҳамда жамиятнинг ривожланишига доир муҳим масалалар ечимида депутат ва сенаторларнинг масъулиятини янада оширишга қаратилган ўзгаришлар киритилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунда депутат ва сенаторнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асослари кучайтирилмоқда.

Киритилаётган ўзгаришларга мурофий; депутат, Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор ҳақ тўланадиган тегишли турдаги фаолият билан шуғулланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисида оғохлантириш олганидан кейин ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият (илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари) билан шуғулланган тақдирда;

тегишли палата, сиёсий партия фракцияси, ўзи таркибига сайланган кўмита, комиссия фаолиятида бир календар йил ичида ўттиз ёки ундан ортиқ иш кунли узоқ вақтга сабабларсиз иштирок этмаган тақдирда;

чет давлатнинг доимий яшаш гувоҳномасини ёки чет давлат ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни олган тақдирда;

партия рўйхати асосида сайланган депутат ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия аъзолigidан чиққан тақдирда депутат ёки сенаторнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун асос бўлиши белгиланмоқда.

Шунингдек, депутат ёки сенатор томонидан ўз вазифаларини ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун бир қатор чоралар белгиланмоқда. Хусусан, оғохлантириш, тегишли мажлисларда уэр сурашни талаб қилиш йўли қўйилганлиги фактини палата мажлисида ўқиб эшиттириш, иш ҳақидан ушлаб қолиш ва депутат ёки сенатор ваколатларини муддатидан илгари тугатиш каби чоралар қўлланиши белгиланмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар фаолиятини қўллаб-қувватлашга ҳамда мустаҳкамлашга, депутатлар ва сенаторларнинг ўз вазифаларини бажаришда, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишда, шунингдек, уларнинг дахлсизлик ҳуқуқини тўлиқ таъминлашда шахсий масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, парламент аъзолари томонидан Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари ижроси таъқидида масала кўриб чиқилди.

Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳудуднинг инвестициялар жалб этишчанлигини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар таҳлил қилинди.

Қорақалпоғистонда аҳоли бандлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қулай агробизнес муҳитини яратиш, инсон капиталини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя тизимини тақомиллаштириш бўйича кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бунда, албатта, сўнгги йилларда мамлакатимиз Президенти томонидан минтақада юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган жиддий эътибор, ҳудудни ривожлантириш мақсадида қабул қилинаётган қатор Фармон ва қарорларнинг алоҳида ўрни бор. Олий Мажлис Сенати томонидан эса уларнинг ижроси устидан таъсирчан парламент назорати олиб борилмоқда.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган дастурга мурофий 2020 — 2023 йилларда умумий қиймати 11,2 триллион сўмлик 1 359 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 16 060 та янги иш ўрни яратилган.

Президентимизнинг 2021 йил 29 июлда “БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги қарори билан 2021 — 2024 йилларда Оролбўйи минтақасида иқтисодий тармоқларда ресурс тежовчи, замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва инновацион ишланмаларни амалга ошириш жараёнида 71 та тадбирни ўз ичига олган “Йўл харитаси” ҳамда 65 та устувор инновацион лойиҳа рўйхати тасдиқланган.

“Йўл харитаси”даги 71 та тадбирдан 65 таси ҳамда 65 та устувор инновацион лойиҳадан 53 таси бажарилган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги “Оролбўйи минтақасида тадбиркорликни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида Мўйноқ туманидаги тадбиркорлик субъектлари учун қатор солиқ имтиёзлари берилиши натижасида 2024 йил биринчи чорак якуналарига қўра 296 та корхона ихтиёрида 1,5 миллиард сўм қолдирилган.



Ахборот МУҲАММАДОВ олган сурат.

Бундан ташқари, 2024 йилнинг биринчи чоракда 12 867 та тадбиркорлик субъекти томонидан 30,1 миллиард сўм солиқ имтиёзларидан фойдаланилган.

Мажлис давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 февралдаги “Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ҳудудда 2024 йилда 120 мингдан ортиқ аҳолининг доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишларда бандлигини таъминлаш, қиймати, 6,5 триллион сўмлик 421 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, аҳолини бизнесга жалб қилиш, йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ер участкаларини аукцион савдоларига чиқариш, аҳолини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, норуда фойдаланиш қазилма конлари ва участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини аукцион савдоларига чиқариш бўйича манзилли дастурлар тасдиқланган.

Муҳокама якунида Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишнинг асосий йўналишлари белгиланганлиги ҳамда Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг Самарқанд вилояти маҳаллаларида тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишда қатор ижобий натижаларга эришилган. Хусусан, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан 2023 йил бошидан 783,3 мингта хонадон хатловдан ўтказилган, даромад топишга ҳаракат қилаётган ва истагида бўлган 298 та хонадон чорвачилик ва паррандачилик, 331 таси савдо ва хизмат, 264 таси деҳқончилик ва иссиқхона, 123 таси боғдорчилик, 34 таси кичик ишлаб чиқариш, 10 таси хунармандчилик ва 66 таси бошқа йўналишларда аҳоли даромадларини ошириш чоралари қўрилган.

Ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда жами 423 мингдан ортиқ кишиларнинг бандлиги таъминланган. “Онлайн маҳалла” платформасида 5441 та микролоиҳа ишга туширилиши натижасида лойиҳа қиймати 1 270 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, 23507 нафар фуқаро ишли бўлган.

Иқтисодий ривожлантириш маҳаллаларга яқин ҳудудларда 44 та микромарказ ташкил этилиб, 50 та янги иш ўрни яратилган.

Шу билан бирга, мажлисда сенаторлар томонидан амалга оширилган иш-

лар қаторида айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди.

Вилоятда 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг сони 2023 йилдагига нисбатан 10,5 мингтага камайган. Ишчи сонини умуман кўрсатмаган корхоналарнинг 322 тасида жами 518 нафар нолегал ишчи мавжуд бўлиб, улар-

дан бир йилда камидан 800 миллион сўм даромад солиғи йўқотилган.

Шунингдек, ҳоким ёрдамчилари тавсия асосида оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилган 1,5 триллион сўмлик кредитнинг 72,3 миллиард сўми муаммолли кредитга айланган.

Бундан ташқари, тадбиркорликни ташкил этиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаган.

Вилоятда тадбиркорлар мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқишда ҳам камчиликларга йўл қўйилган. “Тадбиркор виртуал офиси” ахборот портали орқали келиб тушган мурожаатларни қўриб чиқиш тартиби ва муддати устидан назорат ўрнатилган бўлишига қарамай, мурожаатларнинг 205 таси бўйича қўриб чиқиш муддати бузилган.

Самарқанд шаҳрида, Пастдарғом, Урганч, Иштихон, Нарпай, Пайарик, Булунгур туманларида тадбиркорларнинг мурожаатлари қўриб чиқишида қонунбузилишга йўл қўйилган.

Сенаторлар томонидан маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишда йўл қўйилган камчиликлар масъул вазирилик

ва идораларга кўрсатиб ўтилди ҳамда бу борада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик соҳасида мавжуд талаблар ва тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича қатор тақлифлар билдирилди.

Хусусан, вилоятда ҳудудларнинг хусусиятлари, “ўсиш нуқталари” ва салоҳиятини инобатга олиб, тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, “Онлайн маҳалла” электрон платформасини тегишли вазирилик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан тўлиқ интеграция қилиниши таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

Қўриб чиқилган масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, Сенатнинг эллик учинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама якунида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентини тақдимномасига асосан Музаффар Зафарович Кукиевни беш йиллик муддатга Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг доимий асосидаги аъзоси — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси лавозимига, Худойкул Тожиёвич Азизов, Аскаржон Бойсӯвич Гафуров ва Ахроржон Муминович Хашимоновни беш йиллик муддатга Судьялар олий кенгашининг жамоатчилик асосидаги аъзоси лавозимига сайлашди.

Шунингдек, Қаҳрамон Улжаев Судьялар олий кенгашининг жамоатчилик асосидаги аъзоси лавозимидан озод қилинди.

Қўриб чиқилган масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди. Олий Мажлис Сенатининг эллик учинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда жамият ҳаётининг барча соҳаси ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самардорлигини оширишга, халқро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 14 та масала, шу жумладан, 8 та қонун муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик учинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

Фикр

Олий Мажлис Сенатининг эллик учинчи ялпи мажлиси 22 июнь кунини ўз ишини давом эттирди. Унда бир қатор қонунчилик ҳужжатлари баробарида юртимизнинг турли ҳудудлари-

да олиб борилаётган ислохотлар натижалари муҳокама марказида бўлди. Уларнинг айримлари хусусида сенаторлар шундай фикрлар билдиришди.

Қайси ҳолларда депутат ва сенатор фаолияти олдиндан тугатилади?

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси:

— Бугунги кунда янги Ўзбекистонни барпо қилиш бўйича ислохотларни амалга ошириш ҳамда давлат ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар роли алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис кейинги йилларда парламент ва сиёсий партияларни янада кучайтириш чоралари қўрилаётди.

Ялпи мажлисда маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ана шу мақсадга қаратилган билан эътиборга молик.

Унда, аввало, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида Ўзбекистон ҳудудида хорижий давлатлар сиёсий партияларини ва уларнинг бўлимчаларини ташкил этишга ҳамда улар фаолиятини амалга оширилишига йўл қўйилмаслиги бўйича норма мустаҳкамланаётганлигини айтиш зарур.

“Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига киритилаётган ўзгаришларга мурофий эса сиёсий партияларнинг устасда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 сентябридаги ҳолатга қўра белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки ярим фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охириги сайловда сайловчилар рўйхатида киритилган фуқаролар сонига кўпайтмас миқдорига шакллантириш белгиланмоқда.

Давлат маблағларини Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда Адлия вазирилик томонидан Қонунчилик палатасига охириги сайловнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқланган натижаларига асосан бу маблағни олиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида тақсимлаш тартиби ҳам қўзда тутиляпти.

Қонундаги яна бир янгилик сифатида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисмида келтирилган депутат ва сенатор ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асосла-

ри 4 тага кўпайтирилаётганини келтириш мумкин. Шундай қилиб қуйидаги ҳолларда ҳам депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан илгари тугатиш мумкин бўлади:

■ депутат, Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор ҳақ тўланадиган тегишли турдаги фаолият билан шуғулланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисида оғохлантириш олганидан кейин ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият (илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари) билан шуғулланган тақдирда;

■ тегишли палата, сиёсий партия фракцияси, ўзи таркибига сайланган кўмита, комиссия фаолиятида бир календар йил ичида ўттиз ёки ундан ортиқ иш кунли узоқ вақтга сабабларсиз иштирок этмаган тақдирда;

■ чет давлатнинг доимий яшаш гувоҳномасини ёки чет давлат ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни олган тақдирда;

■ партия рўйхати асосида сайланган депутат ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия аъзолigidан чиққан ҳолатларда.

Шу ўринда айтиш керакки, мана шу асосларга мурофий депутат ёки сенаторнинг ваколатлари тегишинча Қонунчилик палатаси ва Сенат қарорига биноан муддатидан илгари тугатилади.

Сўз юритилаётган янги ҳужжатга қўра депутат ва сенаторларнинг одоб-ахлоқ қоидалари тегишинча Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат қарори билан тасдиқлангани мустаҳкамланмоқда. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилган ҳолатда уларга қуйидаги чоралар қўрилади:

■ депутат ёки сенаторга оғохлантириш берилди;

■ улардан тегишинча Қонунчилик палатаси, Сенат ёки ўзи таркибига кирадиган кўмита, комиссия мажлисларида уэр сураш талаб қилинади;

■ одоб-ахлоқ қоидалари бузилишига депутат, сенатор томонидан йўл қўйилганлиги факти палата мажлисида ўқиб эшиттирилади;

■ депутат ёки Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор иш ҳақидан ушлаб қолинади;

■ депутат ёки сенатор ваколатлари муддатидан илгари тугатилади.

Қонунда яна бир неча янгиликлар борки, буларнинг барчаси парламент ва сиёсий партиялар ҳамда депутат ва сенаторлар масъулиятини оширишда қўла келади деб ҳисоблаймиз.

Қорақалпоғистонни комплекс ривожлантириш ва парламент назорати

Нусуратулла ПАРДАЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Юртимизнинг бошқа қуйидаги бўлган сингари Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантириш, иқтисодий эркинлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда ҳамда муайян натижалар қўлга киритилмоқда. Бу борада эса белгиланган вазифалар ижроси устидан олиб борилаётган парламент назорати муҳим аҳамият касб этаётди.

Ялпи мажлисда ушбу масалани қўриб чиқиш жараёнида ҳам бу алоҳида айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантириш, ҳудуд инвестициявий жозибдорлигини ошириш доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Буни Президентимизнинг Қорақалпоғистонда туб ислохотларни амалга оширишга қаратилган 32 та Фармон ва қарори қабул қилиниб, улар асосида катта ишлар рўёбга чиқарилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Натижада ҳудуд инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, ёшлар бандлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш орқали қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, қулай агробизнес муҳитини ва инсон капиталини ривожлантиришга шарт-шароит яратиш, ижтимоий ҳимоя тизимини тақомиллаштириш бўйича янги ютуқлар қўлга киритилди.

Жумладан, 2020 йил 11 ноябрдаги “2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори билан тасдиқланган дастур асосида умумий қиймати 11, 2 трлн. сўмлик 1 359 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди ҳамда 16 мингдан зиёд иш ўрини очилди. Ижтимоий жиҳатдан ортда қолган Тахтақўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида янгидан ташкил этиладиган sanoat йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига 2024 йил 1 январга қадар божхона ва солиқ имтиёз ҳамда преференциялари берилиб, улардаги 37 та тадбиркорлик субъекти ихтиёрида 733 млн. сўм қолдирилган.

Шунингдек, 2021 — 2024 йилларда Оролбўйи минтақасига иқтисодий тармоқларида

ресурс тежовчи ва юқори самарали замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалга ошириш жараёни, халқро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”даги 71 та тадбирдан 65 таси бажарилган. Хусусан, тегишли лойиҳаларга қўра 2 675 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш тизими йўлга қўйилган ҳамда 720 гектарда боғлар барпо этилган.

Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юқори қўшилган қийматли рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш орқали ҳудуд инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадида Президентнинг 2021 йил 23 ноябрдаги “Оролбўйи минтақасида тадбиркорликни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. У билан Мўйноқ туманидаги тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор солиқ имтиёзлари берилиши натижасида 2024 йил 1 апрель ҳолатига 296 та корхона ихтиёрида жами 1,5 млрд. сўм қолдирилган. Ҳудудда 8 та кичик sanoat зонасини очиб унинг 16,3 гектар ер майдони танлаб қўйилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинган ва бундай зоналарни ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Муҳими, ҳудудни янада ривожлантириш ишлари изчиллик билан давом эттириляпти. Айна мақсадда давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 февралдаги “Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан Қорақалпоғистон Республикасида 2024 йилда 120 мингдан ортиқ аҳолининг доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишларда бандлигини таъминлаш, умумий қиймати, 6,5 трлн. сўмлик 421 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш орқали қўшимча 9,3 мингта иш ўрни ташкил этиш мақсад қилиб олинган. Бундан ташқари, аҳолини бизнесга йўналтириш, инфратузилмани ривожлантириш мақсадида ер участкаларини аукцион савдоларига чиқариш, аҳолини касбга тайёрлаш, махсус sanoat, кичик sanoat, ёшлар ва тадбиркорлик sanoat

зоналарида лойиҳаларни жойлаштириш учун бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш кўзда тутилган. Норуда фойдаланиш қазилма конлари ва участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини аукцион савдоларига чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия маблағларни ажратиш бўйича манзилли дастурлар тасдиқланган.

Ушбу вазифаларни рўёбга чиқариш, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Яъни унда белгиланган вазифалар вақтида ва сифатли ижро этилишини назоратга олиш, юзага келган муаммоларга жойига чиққан ҳолда ечим топиш, шу жараёнларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокини таъминлаш учун Сенатнинг тегишли қарорини қабул қилиш ҳамда унда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш айна мудидадир:

■ биринчидан, қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг тарқатиш ва олиб борилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида изчил ёритиш;

■ иккинчидан, масъуллар томонидан ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ижроси таъминлашини изчил назоратга олишга алоҳида эътибор қаратиш;

■ учинчидан, парламент назорати жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш жуда муҳим;

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ



Шунингдек, айрим қонун ҳужжатларига ўзбошимчилик билан эгаланган ер участкаларини қайтариш, ўзбошимчилик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш ишларини қисқа муддатларда ташкил этиш, давлат органларини ер тўғрисидаги қонун бузилиши билан боғлиқ аризалар бўйича давлат божидан озод қилиш ва бошқа бир қатор нормаларни белгилашга қаратилган тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Иқтисодий ва Фуқаролик процессул кодекслари судларда ўзбошимчилик билан эгаланган давлат эгаллигидаги ер участкаларини қайтариш ҳамда ноқонунли қурилмаларни бузиб ташлашга оид ишларни кўриб чиқишнинг алоҳида тартибини белгилловчи нормалар билан тўлдирилмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, қонун ташаббускорларига саволлар билан юзланди. Хусусан, депутат Зафар Худойбердиев ушбу лойиҳа билан жазо чоралари кучайтирилиши ёки жарима миқдорлари оширилишига қандай асослар борлигини сўради. Фракция аъзоси Нуриддин Султонов эса яқинда куйи палатада қабул қилиниб, Сенатда маъқулланган "Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги қонунга мазкур кўриб чиқилган лойиҳа зид келиб қолмайдими деган саволни ўртага ташлади.

Қонун ташаббускорлари депутатлар томонидан қўйилган ҳар иккала савол юзасидан батафсил тушунтириш берди. Таъкидлашicha, мазкур қонун лойиҳаси ер участкаларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш механизмининг такомиллаштириш, ерларни талон-торож қиларлигининг олдини олиш, бу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу уринда қайд этиш жоиз, бир гуруҳ депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган "Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракция йиғилишида кўлаб саволлар, эътирозларга сабаб бўлгани боис кун тартибидан чиқарилди. Ушбу ҳужжат УЎлиДепФ фракциясининг бүгун бўлиб ўтқанида мажлисида мутахассислар, соҳа экспертлари иштирокида қайта кўриб чиқилган бўлди.

Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш ишлари тартибига солинад

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида

дастлаб Президентимиз раислигида шу йил 20 июнь кун муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишининг мазмун-моҳияти муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари танқидий-тахлилий руҳда ўтган йиғилиш соҳада ҳали амалга оширилиши зарур бўлган ишлар, муаммолар мавжудлиги ва бу барча раҳбарлар қатори депутатлардан ўз вазифасига масъулият билан ёндашиб, янада қаттиқ ишлашни талаб этишини айтиди.

Шундан сўнг депутатлар "Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида аҳолига психологик ёрдам кўрсатишнинг асосий принциплари, вазифа ва турлари, шакллари, стандартлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бепул психологик ёрдам кўрсатиладиган шахслар тоифалари белгиланмоқда. У билан аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш соҳасидаги профессионал уюшмалар фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилмоқда.

Фракция аъзоси Зумрад Бекатованинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси билан психологик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бу турдаги ёрдам кўрсатилган учун маъмурий жавобгарлик чоралари ҳам белгиланмоқда. Шунингдек, психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ ишлар жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқиши тақлиф этиляпти.

Ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳамда соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари диққат марказида бўлди.

Маълум қилинганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда. Хусусан, Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда. Жиноят-процессуал кодексида ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш билан боғлиқ жиноятлар прокуратура органларининг терговига тааллуқли эканлиги белгиланмоқда.

Депутат Жаҳонгир Абдураулов қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексининг ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олганлик учун жавобгарлигини назарда тутувчи 229-моддасига киритилаётган ўзгаришларга тўғрива, овоз-ликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ муддатлар

оширилгандан кўра масъул ташкилотларга ҳуқуқбузарлиқни ўз вақтида тўхтатиш ваколатини бериш тақлифини илгари сурди.

Қонун ташаббускорлари мазкур тоифадаги жиноятлар учун жазо чоралари енгил бўлгани сабабли уларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани, ерни ўзбошимчилик билан эгаллаб олганлик учун 2022 йилда 253 та, 2023 йилда 625 та жиноят ишлари кўзга тутилганини маълум қилди. Шунингдек, қонун лойиҳаси билан мазкур ҳолатлар биринчи марта содир этилганда ва унинг оқибатлари ўз вақтида бартараф қилинган ҳолатда фуқароларга нисбатан жазо чоралари қўлланилмаслиги, ноқонуний қурилма аниқланган тақдирда шахсга ихтиёрий бузиш учун муддатлар берилиши назарда тутилганлиги тўғрисида ҳам айтиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокамадаги қонун лойиҳалари депутатлар томонидан кўлаб-қувватланди.

Хизмат кўрсатиш кўлами ва турлари кенгайтирилади

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича муайян ишлар олиб борилаётган. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан агентлик ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг тазйиқ ва ўзривонликка учраган хотин-қизлар, болалар билан ишлаш бўйича ваколатлари белгиланмоқда.

Мунозаралар давомида депутат Гулрўз Агзамова Вазиранг Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги тегишли қароридан ўзгалар парваршига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича устувор вазифалар белгилаб қўйилгани, шундан келиб чиқиб келгусида мазкур ҳужжатга яна ўзгаришлар киритиш зарурати тўғрисида мумкинми, деган саволни ўртага ташлади.

Қонун ташаббускорлари ушбу масала юзасидан батафсил тушунтириш бериб ўтди. Қонун лойиҳаси ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этиши айтилди.

Фракция аъзоси Максудбек Қурбонбоев эса ўзгалар парваршига муҳтож шахслар қандай тартибда аниқланиши билан қизиқди. Масъулларнинг таъкидлашича, ушбу тоифадаги шахслар маҳалладаги ижтимоий ҳодим, патронаж ҳамшира ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси томонидан хизмат вазифаларини амалга ошириш, жумладан, уйма-уй

юрши натижасида шакллантирилган сўрвонмага, шунингдек, ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда "Ижтимоий ҳимоя" АТга юборилган кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ёки уларнинг қонуний вакилларининг ёки бошқа жимсоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларига асосан аниқланади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан кўлаб-қувватланди.

Ёш авлодни турли ёт гоғлар таъсиридан асраш — долзарб вазифа

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш бўйича ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Маълумотларга кўра ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан ўз болаларининг умумий ўрта, ўрта махсус ёки профес-



сионал таълимни тамомламасидан туриб, диний таълимга жалб қилиш учун ҳужраларга ёки таълим бериш учун руҳсатнома ва лицензияга эга бўлмаган шахсларга бирикитириш ҳолатлари учрамоқда. Воғяга етмаганларнинг бу каби ҳолатларда диний таълим олиши уларнинг турли ёт гоғлар домига тушиб қолиши эҳтимолини кучайтиради.

Шундан келиб чиқиб қонун лойиҳаси билан ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларни қонунга хилоф равишда диний таълимга жалб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Шу боис қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси тегишли қисмлар билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга умумий ўрта, ўрта махсус таълим ёки профессионал таълимни тамомламаган болани диний таълим олишга жалб қилмаслик мажбуриятини юклав бўлиши "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга қўшимча киритилиши кўзда тутилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг долзарблигини инобатга олиб, болаларнинг таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ саволлар билан муурожаат этди. Фикр-мулоҳазалар алмашилгач, болаларнинг

диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастилик гоғлари қурбонига айланишининг олдини олишга хизмат қилувчи қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан кўлаб-қувватланди.

Йиғилишда, шунингдек, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Бу билан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан тураржой билан таъминлашда мазкур кўчмас мулкларни уларнинг номига расмийлаштириш бўйича нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида давлат божини тўлашдан озод қилиш белгиланмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси партия электорати манфаатларига тўла мо келишини эътироф этиб, ҳужжатни бир овоздан кўлаб-қувватлашди.

Агентлик қандай ваколатларга эга бўлади?

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида "Ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг хузурида ташкил этилган "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларининг ваколатлари ва вазифалари белгилаб берилмоқда. Хусусан, лойиҳа билан айрим қонунларга дафн этиш нафақасини бериш вазифаларини Президент хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги зиммасига юклатишга, унинг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини белгилашга, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича ҳамда маъмурий судларда давлат божи тўлашдан озод қилишга тааллуқли ўзгаришлар киритилмоқда.

Шу билан бирга лойиҳада аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш масалаларига доир, шунингдек, ўзгалар парваршига муҳтож бўлган ёлғиз шахсларнинг ҳамда ёлғиз яшовчи кексаларни, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиши кучайтириш масалаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг мажбурий тартибда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан келишишни назарда тутувчи нормалар акс эттирилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси орқали ўзгалар парваршига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилмоқда.

Йиғилишда депутат Моҳира Хўжаева фракция аъзолари томонидан берилган тақлифлар инобатга олинганини таъкидлаб, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг манзилли ва самарали ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, фуқароларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларнинг сифатини оширишга хизмат қилишини қайд этди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси кўлаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

«Халқ сўзи» (2024 йил 5 июндаги 111-сон) газетасида чоп этилган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартибига киритилган қўшимча ва ўзгаришлар тўғрисида

ХАБАРНОМА

SANOAT QURILISH BANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Кузатув кенгаши 2024 йил 28 июнь кун Тошкент вақти билан соат 11:00 да масофадан турли электрон овоз бериш хизмати (<http://evote.uz/>) орқали банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади.

ЙИГИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

9. Банк Кенгаши аъзосининг ваколатини муддатидан аввал тугатиш тўғрисида;
10. Банк Кенгашида вакант бўлган ўринга янги аъзо-ни сайлаш тўғрисида.

● Акциядорларни умумий йиғилишнинг ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси: 2024 йил 28 май.

● Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: 2024 йил 24 июнь.

● Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига оид ҳужжатлар билан банкнинг www.sqb.uz корпоратив веб-сайти орқали танишиш ёки info@sqb.uz электрон манзили орқали сўров юборишининг мумкин.

Ушбу ҳужжатлар билан банк офисидан жойлашган Корпоратив бошқарув хизматида мазкур эълон берилган санадан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача танишиш чиқишининг мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-«А» уй, мўлжал: «Ойбек» метро бекати.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматида (<http://evote.uz/>) фойдаланган ҳолда 2024 йил 28 июнь Тошкент вақти билан соат 10:00 да бошланиб 11:00 да тўхтатилади.

Маълумот олиш учун телефонлар:
78-120-45-00 IP:13-30;
(99894) 711-13-75.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2024 йил 12 июль, соат 11:00. Тошкент шаҳри, Амир Тему́р шоҳқўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2024 йил 8 июль.

Кун тартибига киритилган масалалар:

1. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш.

«Тафаккур» журнали жамоаси журнал бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамга волидаи муҳтарамаси **РУХСАТОЙ ОНАНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Самарқандда Ўзбекистон — Германия қўшма халқаро саломатлик фанлари олий мактаби очилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 642. 14 104 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани хабарнома маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; **қотибхона 71-259-74-53;**
эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган кўлаб-қувватлар тақрир қилинмайди ва мустақил равишда қайтарилмайди.

Газетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буок Турун кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.00

Топширилди — 01.45

1 2 3 4 5 6